



ХАЛҚАРО НОРДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Иқтисодиёт ва педагогика факультети,
Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш кафедраси

Сабиров Хасан Нусратович

Озиқ-овқат саноатининг миллий иқтисодиёт ва умумий саноатда тутган ўрни

Республикамиз мустақилликка эришганининг ilk давлариданоқ, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилди, яни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига узлуксиз ва этарли ҳажимда озиқ-овқат маҳсулотларини этказиб бериш ҳаётмамот вазифалардан бири этиб белгиланганди. Бугунги кунда озиқ-овқат саноати миллий иқтисодиётнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кенг тармоқли соҳаларидан бири ҳисобланиб, унинг таркибида гўшт, сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, макарон, мева-сабзавот консервалари, шарбатлар, турли-туман ичимликлар, шакар, қандолатчилик маҳсулотлари, нон ва бошқа ноз-неъматлар ишлаб чиқарадиган корхоналардан ташкил топган.

Ҳозирги кунда дунёда ва мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини этишириш ва аҳолини мазкур маҳсулот билан таъминлаш масаласи глобал муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммо ривожланган давлатлар бўладими ёки энди ривожланаётган мамлакатларми бу бир хил аҳамиятга эга.

Шунингдек, жаҳонда ва мамлакатимизда:

озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни сифатли маҳсулотлар билан қондириш;

озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ўртасидаги ўзаро оптимал нисбатини таъминлашда, ишлаб чиқариш тизимлари ва ишлаб чиқариш ресурсларини бошқаришда тармоқ кластерларини яратиш;

замонавий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантириш;

тармоқ учун маҳаллий хомашё этиштириш;

хомашёни технологик жиҳатдан чуқур қайта ишлаш;

экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тармоқ кластерларини яратиш;

халқаро стандартлаштириш тизимини ва логистик марказларни ташкил қилиш ҳамда шакллантириш хозирги куннинг долзарб масалалари ва вазифалари ҳисобланади.

Шу аснода, республикамиз мустақилликка эришгач, аҳолини хафвсиз, экологик тоза ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожлантириш, унинг хомашё базасини янада мустаҳкамлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги тизимларини сертификатлаштириш, қайта ишлаш соҳасини модернизация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини диверсификациялаш, мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Натижада маҳаллий хомашё асосида ички истеъмол талаблари таъминланиб, аҳоли эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларнинг бир қисмини жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали муҳим иқтисодий самарага эришиб келмоқда.

Дунё аҳолиси сонининг тўхтовсиз ортиб бориши, кескин рақобатчилик ва иқтисодиётнинг глобаллашуви, хусусан, «2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси 9 миллиард кишига етиши натижасида жаҳон аҳолсиини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида интенсив тарзда хомашё этиштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ҳудудий таркибини такомиллаштириш, янги ишлаб чиқариш шаклларидан

фойдаланишни тақозо қилмоқда».¹ Шунга асосан, озиқ-овқат саноати тармоқларининг жойлаштириш ўрни ва бошқариш усулини тұғри танлашни ҳамда рақобатбардош истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластер тизимидан самарали фойдаланишни талаб этади.

2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида « ... қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилишга... »² қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўз навбатида юқорида таъкидланган долзарб масалаларни ечишда ва вазифаларни амалга оширишнинг муҳим қадамлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 ноябрьдаги қарорига асосан «Республика аҳолисининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кафолатли таъминлаш, ички ва ташқи бозорларга йил давомида маҳсулот етказиб бериш юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш ва назоратни йўлга қўйиш ҳамда нарх-наволар асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб ички истеъмол бозорининг ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши даражасини ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспортга ортиш ва импортдан келтириш ҳажмларини ҳисобга олган

¹ БМТ ФАО ташкилотининг барқарор озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ошириш бўйича стратегик ишлари <http://www.fao.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳолда озиқ-овқат ресурсларини ишлаб чиқариш ва ишлатишнинг прогноз кўрсаткичлари орқали баҳолаш тартиби жорий этилсин »³ деб муҳим вазифалар белгилаб берилиши озиқ – овқат саноатига бўлган ўзгаришларнинг бир босқичига мисолдир.

Озиқ – овқат саноатининг вазифаси бу аҳолини тўғри ва баланслаштирилган овқатланиш рационини шакиллантириш учун етарли ҳажимда, сифатли, хавфсиз ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилганлигидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлиги ва умрининг узоқлиги 70 фоизи унинг овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20 % и тиббий хизмат ҳолатига ва 10 % и унинг ҳаётий туфма кўрсаткичларига боғлик. Таъкидланган маълумотлар инсон умрини узайтиришда ва саломатлиги ҳолатини яхшилашда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уни ишлаб чиқарувчи саноатнинг аҳамияти юқори эканлиги ҳакида аниқ тасаввур беради.

Хорижлик олимларининг башпорат қилишларича, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги муаммоси яқин келажакда дунёда биринчи навбатдаги долзарб масалага айланиши мумкин. Бирлашган миллатлар ташкилотининг прогнозида таъкидланишича, очликдан ташқари, тўхтовсиз ўсиб бораётган одамлар сони истеъмол қилаётган озиқ-овқат миқдори ва сифатини пасайтиришига олиб келмоқда. 2 миллиард киши ёки дунё аҳолисининг 25,9 фоизи очликни бошдан кечирдилар ёки 2019 йилда тўйимли ва етарлича озиқ-овқат олиш имконига эга бўлмаганлар. Агар биз зудлик ва жасорат билан ҳаракат қилмасак, бу вазият ёмонлашиши мумкин ва бу эса истиқболда озиқ – овқат танқислигининг кучайишига олиб келади.⁴

Аҳолини озиқ – овқат билан таъминланганлигининг энг умумлашган кўрсаткичи, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) тавсияси бўйича ҳар бир киши суткалик овқатланиш рационининг калория миқдори

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори- №866 25.10.2018 // www.lex.uz.

⁴ FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. The State of Food Security and Nutrition in the World 2020. Transforming food systems for affordable healthy diets. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>

хисобланади. Ҳозирги даврда озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача суткалик истеъмол қилиш Европа Иттифоқи мамлакатларида 3390, АҚШда – 3650, Лотин Америкасида – 2790, ривожланаётган Осиёда – 2650 ккални ташкил этади. Суткали овқатланиш рациони Ўзбекистонда ўртача 2700 – 2800 ккал. Суткали овқатланиш калориялилиги даражасини ошириш, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ.⁵

Тармоқ корҳоналарига хом – ашё этказиб берувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши озиқ – овқат саноатининг фаолияти даражасини ўсишини билдиради. Озиқ – овқат маҳсулотларининг ҳажми ва сифати, унинг турининг ортиши дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳажмига бевосита чамбарчас боғлиқ.

Агросаноат комплекслари мамлакат иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ва у республика аҳолисини озиқ – овқат билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги хомашёлари (дон, мева, сабзавот, гўшт, сут, балиқ, пахта ва бошқа мойли экинлар уруғлари ва ҳоказо) ни қайта ишлаш асосида озиқ – овқат маҳсулотлари яратадиган озиқ – овқат саноати иқтисодиётнинг энг асосий бўғинидир. Озиқ – овқат саноати бир неча тармоқлар ва тармоқости соҳалардан иборат. Унинг таркибига йирик гурух (20 дан кўпроқ) тармоқлар ва тармоқости (60 дан кўпроқ) соҳалардан ташкил топган; улардан асосийлари: (тармоқда умуман ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши бўйича) ун, ёғ – мой, нон пишириш, гўшт, сут, балиқ, мева – сабзавотдир.

Мамлакатимизнинг 30 % ялпи ички маҳсулоти агросаноат комплекси доирасида яратилади. Истеъмол бозорининг 75 % ини қишлоқ хўжалик хомашёси орқали ишлаб чиқарилган озиқ – овқат маҳсулотлари ва товарлари ҳисобланади. Барча мамлакатларда озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу эса озиқ –

⁵ Турабжонов С.М ва бошқалар. “Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари” – Т.: “Фан ва технология”, 2014, 410б.

овқат саноати ишлаб чиқариш тармоқларининг самарали фаолиятига боғлиқ, чунки мамлакат озиқ – овқат стратегик заҳиралари ва жамғармаларининг деярли 80-85 % озиқ – овқат саноати маҳсулотлари ҳисобига ташкил этилади.

Аҳолининг фақат яшаш даражаси эмас, балки унинг жисмоний барҳаётлиги пировард натижада озиқ – овқат маҳсулотлари ассортименти, хомашёнинг чуқур қайта ишлаш даражаси, унинг ишлаб чиқаришнинг ҳажми, унинг баҳоси ва сифатига боғлиқ. Шу аснода, мамлакат миллий иқтисодиёти тизимида озиқ – овқат саноати ҳақли равишда стратегик социал аҳамиятли тармоқлар қаторига киради.

Озиқ – овқат саноати тармоқлари уларни жойлаштириш характерига жиддий таъсир кўрсатувчи алоҳида хусусиятлари қўйидагилар:

1. Хомашёнинг турли хилларини ишлаб чиқаришниг мавсумий характери;
2. Хомашёнинг баъзи турларини транспортда ташиб бўлмаслиги;
3. Хомашё қатор турларини транспортда ташиш ўзини иқтисодий оқламаслиги;
4. Асосий маҳсулот билан бир қаторда турли озиқ – овқат ва ноозиқ – овқат маҳсулотлари олишга имкон берадиган қайта ишланадиган органик хомашёнинг кўп компонентлилиги;
5. Кўпчилик озиқ – овқат маҳсулотларини ҳамма жойда истеъмол қилиш характери;
6. Аҳолида тайёр озиқ – овқат маҳсулотларини транспортда ташиш ўзини иқтисодий оқламаслиги.
7. Ишлаб чиқаришни бозор эҳтиёжларига кўра доимо ва масштабли диверсификациялашнинг зарурати.
8. Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш, ихтисослаштириш, кооперациялаш ва комбинациялаштиришнинг ўзига хос характери.
9. Озиқ – овқат маҳсулотларининг таннархида ва баҳосида транспорт харажатлари улушининг кўплиги.

Юқорида таъкидланган омиллар озиқ – овқат саноати тармоқларини жойлаштиришнинг ўзига хослигини ифодалайди, умуман, хомашё ва

маҳсулотга бўлган талаб билан белгиланади. Шунингдек, озиқ-овқат саноатини ҳудудлар бўйлаб ривожланиши ва жойлашувида табиий-иктисодий муҳит, яъни умумий маънода ҳудудий инфратузилманинг ривожланганлиги, малакали ишчи кадрларнинг мос келиши ҳамда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати, илмий-техник марказларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш каби омиллар муҳим рол ўйнайди.

Озиқ-овқат саноатининг ҳар бир турдаги тармоғини маълум бир ҳудудда жойлаштириш ва ривожлантиришда тармоқнинг қуидаги хусусиятларини ўрганиш керак бўлади:⁶

озиқ-овақат саноати тармоқларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига боғлиқ бўлган хом ашёларнинг қайта ишланиши;

технологик жиҳатдан бу тармоқлар учун кимёвий ва биокимёвий жараёнлар муҳимлиги;

озиқ-овақат саноати тармоқларида хом ашёдан тайёр маҳсулот олиш учун юқори ёки жуда паст температурада ишлов бериш зарур бўлиши;

хом ашёга термик ва биокимёвий ишлов бериш ва шунингдек бошқа турдаги ишловлар бутун технологик тизимни шакллантиришни талаб қилиши кабилардир.

Республикамиздаги озиқ-овқат саноатининг қўпгина тармоқларини барча иқтисодий ҳудудларида, баъзи бир тармоқларни эса маълум бир ҳудудларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Буларга кундалик истеъмол маҳсулотларидан нон, сут, гўшт ва алкоголсиз ичимликлар тармоқларини ҳар бир аҳоли пунктида жойлаштирилиши керак. Бироқ шакар, ёғ-мой, консерва, спирт, виночилик ва шу каби бошқа озиқ – овқат тармоқларни хом ашё базасига яқин жойда жойлаштириш керак.

Озиқ – овқат саноатининг таркибига фақат қайта ишлаб чиқариш тармоқлари эмас, балки қазиб олувчи (туз, минерал сув ва бошқалар), мавсумий ва йил давомида тўхтовсиз ишлайдиган тармоқлар. Республика

⁶ Турабжонов С.М ва бошқалар. “Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари” – Т.: “Фан ва технология”, 2014, 410б.

иқтисодиётнинг «А» гурӯҳига, яъни маҳсулоти бошқа тармоқларда қўлланиладиган (ўсимлик мойи, ун, гўшт, шакар, туз, спирт ва бошқалар) ва «Б» гурӯҳига мансуб, яъни аҳоли томонидан бевосита истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳам озиқ – овқат саноатига киради. Шунингдек, озиқ – овқат саноати тармоқларининг ҳар бири ўзининг бир турдаги ёки бир неча турдош маҳсулотлари билан фарқланадиган ишлаб чиқарувчи бир неча соҳаларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Масалан, кондитер саноати - шоколад, конфет, бисквит, карамель ва пастило-мармелад соҳаларидан ёки нон пишириш саноати – нон, кулча, сухари ишлаб чиқариш ва виночилик саноати - узум ва мева виноси, шампан виноси ва конъяк ишлаб чиқариш соҳаларини бирлаштиради.

Бевосита озиқ – овқат саноати тармоқлари ва уларнинг таркибига кирадиган ишлаб чиқариш соҳаларини қўйидаги тўрта йўналиш бўйича ажратиш мумкин:

йил давомида ишлаш вақти;

сутка давомида ишлаш вақти;

тайёр маҳсулотни олиш (ишлаб чиқариш) усули;

ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси.

Озиқ – овқат саноати тармоқларининг асосий хусусияти шундаки, улар асосан мавсумий хомашёни қайта ишлаш билан банд бўлади ва шу аснода корхонага хомашё келтирилиши ва уни сақлаш муддатига боғлиқ равища ийлнинг бир қисмida фаолият олиб боради. Мавсумий хомашёда ишлайдиган бундай соҳаларга мева ва сабзавот қуритиш, ўсимлик хомашёсида ишлайдиган витамин, бирламчи вино заводлари, озиқ – овқат хомашёсида ишлайдиган спирт, картошкани қайта ишлайдиган қраҳмал – патока цехлари, кўк чой баргини қайта ишлайдиган фабрикалар, тамаки ферментацион заводлар шунингдек, шакар ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа соҳалар киради. Мавсумий хомашёни қайта ишлайдиган корхоналар билан ўз навбатида озиқ – овқат саноатида ўз ишлаб чиқариш характеристига кўра мавсумий корхоналар

қаторига пиво, алкогиз ичимликлар ва минерал сув ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Бу корхоналарнинг мавсумийлиги йилнинг турли даврларида тайёр маҳсулотни харид қилишнинг нотекислиги асосида пайдо бўлади.

Озиқ – овқат маҳсулотларини тайёр ҳолда олиш усуллари бўйича ишлаб чиқаришни қуидагича бўлиш мумкин:

дастлабки хомашёдан қимматли моддалар ажратиб олиш;

хомашёдан намликни йўқотиш ва маҳсулотда қимматли озиқ – овқат моддалари концентрациясини ошириш;

турли компонентлардан тайёр маҳсулотни бутлаш;

бирламчи ишлаб чиқариш яримфабрикатлардан пиравард маҳсулот тайёрлаш.

Озиқ – овқат саноатнинг вазифаси барча тармоқларнинг умумий вазифаси каби ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати фақат уни ташкил этувчи компонентларнинг сифатигагина боғлиқ бўлмасдан, балки рецептура ва технологик регламентга аниқ риоя қилишга ҳам боғлиқ.

Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматизациялаш даражаси бўйича озиқ-овқат саноати тармоқлари қуидагича бўлинади:

механизациялашган;

комплекс механизациялашган;

автоматизациялашган;

комплекс автоматизациялашган.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялашган, қўшимча ишлаб чиқаришда эса қўл меҳнати қўпроқ корхоналар биринчи гурухга киради. Бу гурух корхоналарининг характерли хусусияти юклаш, тушириш ишлари бўйича қўл меҳнати билан боғлиқ, асосий ишлаб чиқаришда тўхтаб – тўхтаб ишлайдиган машина аппаратларнинг кўплиги. Бу корхоналарда ҳам

асосий, ҳам қўшимча ишлаб чиқаришда меҳнатнинг операциялар бўйича тақсимоти кенг ривожланган.

Иккинчи гурухга қарашли корхоналарда асосий ва қўшимча ишлаб чиқаришдаги жараёнлар тўла механизациялашган. Бу ерда меҳнатни операциялар бўйича тақсимоти билан бир қаторда иш ҳажми етишмаган жойларда смена давомида турдош операцияларни бажараётган ходимлар бандлигини таъминлаш мақсадида уларга қўшимча ишларни ҳам юклаш амали қўлланилади.

Учинчи гурухга тегишли корхоналарда асосий ишлаб чиқаришдаги жараёнлар автоматлаштирилган, қўшимча ишлаб чиқаришдаги жараёнлар эса механизациялашган. Асосий ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этиш шакилларидан кўп станокларга хизмат кўрсатиш кенг тарқалган, қўшимча ишлаб чиқаришда эса касбларни бирлаштириш муҳим ўрин тутади.

Тўртинчи гурухга киритиладиган корхоналарда асосий ва қўшимча ишлаб чиқаришдаги барча жараёнлар тўла автоматлаштирилган. Бу корхоналарда машиналар тизими автоматик режимда ишлатилади, ишчиларнинг меҳнати эса уларнинг иши устида фаол назорат ва кузатишдан иборат. Аммо комплекс автоматлаштирилган корхоналар озиқ – овқат саноати шароитида самарали бўлганлиги сабабли ҳозирги кунда бундай корхоналар кам учрайди.

Ихтисослашган илмий тадқиқот институтларининг маълумотларига кўра озиқ – овқат саноати асосий тармоқлари, уларнинг автоматлаштиришга тайёргарлиги даражаси бўйича қуйидаги тартибда жойлашади: шакар ишлаб чиқариш, ёғ - мой, спирт, виночилик (иккиламчи виночилик), кондитер, консерва, пиво – алкогизиз ичимликлар, нон пишириш ва ҳ.к. ишлаб чиқаришни автоматлаштириш биринчи навбатда оғир ва заарли меҳнат шароитлари мавжуд ва сутка давомида сурункасига тўхтовсиз ишлайдиган корхоналарда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш

мехнатни енгиллаштиришга ва кечасидаги сменада банд ишчиларни қисқартиришга ёрдам беради.⁷

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори- №866 25.10.2018 // www.lex.uz.

3. FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. The State of Food Security and Nutrition in the World 2020. Transforming food systems for affordable healthy diets. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>

4. Турабжонов С.М ва бошқалар. “Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари” – Т.: “Фан ва технология”, 2014, 410б.

⁷ Турабжонов С.М ва бошқалар. “Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари” – Т.: “Фан ва технология”, 2014, 410б.